O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2005-yil • 18-avgust • Payhanba • 101 (27.436) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

## «ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН»

КЎРГАЗМА-ЯРМАРКАСИДА МАМЛАКАТИМИЗ КОРХОНАЛАРИДА ТАЙЁРЛАНГАН ЭКСПОРТБОП МАҲСУЛОТЛАР НАМОЙИШ ЭТИЛМОҚДА





Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур кўргазма мамлакатимизнинг истиқлол йилларида қўлга киритган ютуқлари, экспорт ва инвестиция салоҳияти ҳамда иқтисодиётимизда рўй бераётган ўзгаришларни намойиш этиш мақсадида ташкил этилган. Бу галги кўргазма 3000 кв/м. майдонни эгаллаган бўлиб, унда турли мулк шаклига эга бўлган жами 260 та маҳаллий фирма ва компаниялар қатнашмоқда. Уларнинг 105 таси қўшма корхона, 65 таси давлат корхоналари ва 90 таси кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларидир.

Кўргазма экспозицияси марказий павильон олдидаги майдончадан бошланиб, ундан «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасининг замонавий «Ласетти», «Нексия», «Матиз», «Дамас» автомобиллари, «СамКочавто» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган микроавтобуслар, юк машиналари ҳамда «ТТЗ» ОҲЖ, «Агрегат заводи», «ЎзКейсмаш» қўшма корхоналарида тайёрланган трактор, мини-трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик техникалари жой олган.

Асосий залда эса мамлакатимизнинг экспорт ва инвестиция салоҳияти ҳисобланган электротехника, кимё, озиқ-овқат, тўқимачилик, самолётсозлик, автомобилсозлик, қурилиш саноати ҳамда Олмалиқ ва Навоий тоғ-металлургия комбинатлари, «Ўзбекнефтгаз», В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси каби илғор тармоқ ва корхоналар стендлари намойиш этилмоқда.




Павильоннинг иккинчи қаватидан мебель ишлаб чиқарувчи корхона ва фирмалар, гилам маҳсулотлари ҳамда 200 кв/м. майдонни эгаллаган жойда «Совпластитал» қўшма корхонасининг турфа хил маҳсулотлари ўрин олган.

Бундан ташқари, кўргазма расталарига маиший техника воситалари ҳам қўйилган бўлиб, улар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. «Roison elektroniks» қўшма корхонаси, «Фотон», «Sino» ОАЖларида ишлаб чиқарилаётган замонавий телевизорлар, ҳар хил музлатгич, совутгичлар, кондиционерлар эса бежиримлиги ва сифати билан харидор диққатини дарҳол жалб қилади.

2-бет

ЎзХДП: депутат ва ҳаёт

## ВАТАН ҚАЕРДАН БОШЛАНАДИ?

БУ САВОЛГА ҲАР КИМ ҲАР ХИЛ ЖАВОБ БЕРИШИ МУМКИН. ВАТАН — ТУҒИЛГАН УЙИНГ ОСТОНАСИДАН БОШЛАНАДИ. ВАТАН — МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАДИ




**Маҳалла Ватан ичидаги Ватандир. Ана шу институтнинг жамиятда тутган ўрни ва роли жуда катта. Мустақиллик йилларида давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимиз томонидан маҳаллаларга эътибор кучайди. «Обод маҳалла йили»да эса бу борада кўпгина хайрли ишлар амалга оширилди ва улар ҳозир ҳам давом этмоқда.**

**Кеча пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги «Кўкча-Оқтепа» маҳалла гузари одамлар билан гавжум бўлди. Бу ерда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва Тошкент шаҳар кенгаши ташаббуси билан мамлакатимиз Мустақиллигининг 14 йиллигига бағишланган катта тадбир бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутатлари, Тошкент шаҳар Кенгашига ХДПдан сайланган депутатлар, партия фаоллари, Учтепа туманидаги корхона, муассаса ва ташкилотларнинг раҳбарлари, таниқли олимлар, ёзувчи ва шоирлар иштирок этишди.**

**Тадбирда мустақилликнинг улуғ неъмат, олий саодат, муқобили йўқ эрк, ҳуқуқ ва тенглик эканлиги ҳақида фикрлар айтилди, шеърлар ўқилди, қўшиқлар янгради. Сўзга чиққанлар ЎзХДПнинг янги Дастури ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига кўмаклашиш, уларнинг манфаатларини ифодалаш ва ҳимоялаш борасида партия томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида тўхталиб ўтдилар.**

**Аслиддин РУСТАМОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси раиси:**

— Ҳадемай Мустақилликнинг 14 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланади. 14 йил давомида турли соҳаларда эришилган ютуқлар, амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, ислоҳотлар натижалари ҳаммамизга яхши маълум. Буни жаҳон ҳамжамияти ҳам эътироф этмоқда. Бугун ҳузурингизга келишдан мақсад — сизларни энг улуғ, энг азиз байрам билан қутлаш, дилдан мулоқот қилиш ва қолаверса, ЎзХДПнинг бугунги фаолияти билан сизларни яқиндан таништириш.

**Гулистон АННАҚИЛИЧЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:**

— Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўз номи билан халқ партияси. Бизнинг партиямиз сиз, азизларнинг хоҳиш ва истакларингизни, манфаатларингизни қонуний асосда ифодалашга ҳамда ҳимоя қилишга бел боғлаган. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракциясининг бу борада олиб бораётган ишлари барчангизга маълум. Мен шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, партиямиз сизларга ҳам хизмат қилади, ҳам суянади. Биз ишончингизни тўлиқ оқлаш учун бор куч-қудратимизни, имкониятларимизни сарфлаймиз. Бизнинг партиямиз доим сизлар билан бирга, сизнинг хизматингизда.

**Ниғмат АБДУЛЛАЕВ, Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раисининг биринчи ўринбосари:**

— Очиғи, бугунги учрашувнинг қандай ўтаётганлигини кузатиб хурсанд бўлдим.

2-бет

### *Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди!*

**Қашқадарё вилояти ёшлари шу азиз Ватанга бўлган меҳрини, ўз халқига садоқатини воҳанинг барча туман ва шаҳарларида «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди!» шиори остида ўтган ватанпарварлик фестиваллари чоғида ёрқин намойиш этдилар.**

**Фестивалнинг Қарши шаҳридаги «Насаф» марказий ўйингоҳида бўлиб ўтган якунловчи тадбирида «Президентимиз сиёсатини қўллаб-қувватлаймиз», «Халифалик — хомхаёл», «Жаҳолатга қарши маърифат билан», «Ўзбекистонни ҳеч кимга бериб қўймаймиз!» каби шиорларни қўлларида тутган ёшлар елкама-елка туриб мустақиллик йилларида эришган ютуқларимизни кўролмайдиган, юртимизга туҳмат тошини отаётган ҳасадгўй кимсаларга нисбатан ўз нафратларини баён этдилар.**

## «ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ БИЛАН»

Фестивалда юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида барча соҳаларда улкан ютуқларга эришилаётгани алоҳида таъкидланди. Ватанимиз тинчлигини бузиб, унинг тараққиётига раҳна солишга уринаётган қабиҳ ниятли кучларнинг хатти-ҳаракатлари қораланди. Фестиваль қатнашчилари ўз тенгдошларини турли иғволарга учмасликка, олий мақсадимиз — озод ва обод Ватан қуриш йўлидан собитқадамлик билан боришга даъват этдилар.

Фестивалда таниқли хонандалар, ҳаваскор ёшлар, фольклор дасталари ижросидаги куй-қўшиқлар барчани хушнуд этди. «Эски масжид» театр студияси томонидан саҳналаштирилган томошалар, вилоятнинг таниқли спортчилари, Қарши сержантлар мактаби курсантларининг кўргазмали чиқишлари анжуманга файз бағишлади.

— Мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида ёшларга ўқиш, ишлаш, ўз иқтидорини намойиш этиш учун барча имкониятлар яратилган, — дейди Қарши шаҳридаги 26-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Нилуфар Аббосхонова. — Ватаннинг ана шундай мард ва жасур ўғил-қизлари бор экан, ҳеч ким унга дахл қилолмайди. Биз ёшлар мустақил давлатимиз равнақини, келажагини Президентимиз олиб бораётган оқилона сиёсатда кўрамиз ва уни қўллаб-қувватлаймиз.

Қарши шаҳридаги 3-ўрта мактаб ўқувчиси Жавоҳир Чоршанбиев ҳам ўз ҳаяжонини яшира олмайди:

— Бугун қанча-қанча тенгдошларимиз дунёнинг ривожланган давлатларида, нуфузли таълим даргоҳларида, юртимизда қад ростлаётган замонавий академик лицей, коллежларда таҳсил олмоқда. Ҳатто энг чекка қишлоқларда ҳам муҳташам спорт мажмуалари бунёд этиляпти. Буларнинг барчаси мустақиллигимизнинг шарофатидандир.

Тадбирда Қашқадарё вилояти ҳокими Н.Зайниев иштирок этди.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ, ЎзА мухбири**

Ҳаёт йўлида биринчи масала — мактаб масаласидир

## КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

**Шу кунларда республикамизнинг барча ҳудудларида мавжуд умумтаълим мактабларини янги ўқув мавсумига тайёрлаш, янгиларини қуриш, капитал реконструкция, капитал ва жорий таъмирлаш ишлари жадал давом этмоқда. Бу борада Самарқанд вилоятида ҳам бир талай ибратли ишлар амалга оширилмоқдаки, бу нафақат ўқувчиларни, балки ота-оналарнинг ҳам чексиз қувончига сабаб бўлмоқда.**

Давлат умуммиллий дастурига кўра, кейинги беш йил давомида вилоятда 35 та янги мактаб биноси қурилиши, 268 та мактаб капитал реконструкция, 287 та мактаб капитал ҳамда 317 та мактаб биноси жорий таъмирланиши кўзда тутилган. Шунга мувофиқ, эскириб яроқсиз ҳолга келиб қолган мактаб бинолари ўрнига янгисини қуриш, мавжудларини капитал ва жорий таъмирлаш учун манзилли дастур ишлаб чиқилди.

— Вилоят ҳокимлигининг ягона буюртмачи инжиниринг компанияси ва вилоят иқтисодиёт бош бошқармаси томонидан 2005 йилга мўлжалланган мазкур дастур белгиланган тартибда тегишли вазирликлар томонидан тасдиқланиб амалиётга жорий этилди, — дейди вилоят ҳокимининг ўринбосари Зойир Мирзаев. — Унга кўра, вилоятимизда 2005 йилда 1418 ўринли 6 та янги мактаб қурилиши белгиланган эди. Аммо жойлардаги ҳолатни ўрганиб чиқиб, айрим мактаблардаги икки сменали ўқишни қисқартириш мақсадида қўшимча имкониятлар ва ҳомийлар ҳисобидан қурилиш ҳажми кенгайтирилиб, ўқувчилар ўрни 2341 тага кўпайтирилди. Худди шундай 5880 ўқувчи ўрнига эга 28 та капитал реконструкция қилинадиган мактабларда 5880 ўқувчи ўрнига эса 9030 ўринли қўшимча бинолар қурилмоқда.





Мазкур қурилиш-таъмирлаш ишлари учун давлат бюджетидан 7 млрд. 471 млн. 800 минг сўм маблағ молиялаштирилди. Бунда, жумладан, янги мактаб бинолари қуриш учун 2.294.100 минг, капитал реконструкцияга 3.459.500 минг, капитал таъмир учун 1.397.600 минг, жорий таъмирлашга эса 320.600 минг сўм ажратилиб, пудратчи ташкилотларга ўтказилди. Бугунги кунгача улар томонидан 8.823.170 минг сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, иш унумдорлиги белгиланган режага нисбатан 93,2 фоизга бажарилди.

Вилоятнинг аксарият туманларида иш юқори даражада ташкил этилиб, шу кунгача талайгина мактаблар янги ўқув йилига тайёр қилиб қўйилди. Масалан, Самарқанд туманидаги 2, 41-мактаблар, Ургут туманидаги 53, Тайлоқ туманидаги 13, Оқдарё туманидаги 28-мактабларда таъмирлаш ишлари тугатилибди.

— Мактабимизнинг 240 ўринли янги биноси қисқа фурсатда сифатли қилиб қуриб битказилди, — дейди Самарқанд туманидаги 2-умумтаълим мактаби директори Гулчеҳра Барзиқулова. — Ўтган йили 81 минг 831 АҚШ доллари миқдоридаги Япония грантини қўлга киритдик. Ушбу маблағ эвазига авария ҳолатига келиб қолган эски мактаб биносини ҳашар йўли билан қайта қуриб, ўқув қуроллари ва жиҳозлар сотиб олгандик. Бу йил эса 240 ўринли барча зарур техника ва ўқув анжомлари билан жиҳозланган янги бинога эга бўлдик.

— Йигирма беш йилдан буён таълим соҳасида меҳнат қиламан. Лекин шу вақт мобайнида мактабга ҳозиргидек эътибор бўлганини эслолмайман, — дейди фахрий ўқитувчи Анвара Ҳусенова. — Қишлоғимизда бунёд этилган 13-умумтаълим мактабининг янги биноси барча ёшу қарига қувонч бахш этиш баробарида, қишлоғимизга ҳам ўзгача кўрк бағишлади.

4-бет

ЎзХДП: партия билетини алмаштиришдан мақсад нима?

## МУҚОВАДА ПАРТИЯМИЗ РАМЗИ БЎЛСА

Бошланғич партия ташкилотимиз 1995 йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда. Ўшанда партия аъзолари 5 киши эди. Ҳозир меҳнат жамоамизда 56 нафар ХДП аъзоси бор. Шу ўринда гап сонда эмас, сифатда эканлигини таъкидламоқчи эдим. Кўп ҳолларда сон кетидан қувиб, ХДП сафларига қабул қилинаётганларга нисбатан талабни сусайтириб юбораяпмизки, бу ҳол ЎзХДП барча аъзоларини қайта рўйхатдан ўтказиш ва партия аъзолик билетларини алмаштириш тўғрисидаги қурултой қарорининг бежиз эмаслигидан далолат беради.

Яширишга не ҳожат, баъзи бир эътиқоди сустроқ партиядошларимиз қайсидир сабаблар, қандайдир илинжлар билан бошқа партияларга ўтиб кетишди. Қайта рўйхатдан ўтказиш жараёнида бундай ҳолатлар ҳам муносиб баҳосини олади, деган умиддаман. Яна бир гап. Партия аъзолик билетлари алмаштирилади, деяпмиз. Янги билет янада чиройли, бежирим кўринишда бўлса, муқовасида партиямизнинг рамзи кўзга яққол ташланиб турса, ҳар биримиз уни ғурурланиб қўлимизга олсак, бировга кўрсатганда эса юракларимиз фахр-ифтихор туйғуларига тўлса, дея истак билдирардим.

**Лайло ИСАЕВА, Жиззах вилоят оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш мажмуи бошланғич партия ташкилоти раиси**

Футбол

## ЎЗБЕКИСТОН — ҚУВАЙТ — 3:2!

Кескин ва шиддатли, ҳаяжонли ва қувончли лаҳзаларга лиммолим тўла бу ўйинда футболчиларимиз ғалабага бўлган юксак ирода намойиш этишди, чин маънода жасорат кўрсатишди. **ЭНГ ҚИЙИН УЧРАШУВДА, ЭНГ ОҒИР ВАЗИЯТДА ЭНГ МУҲИМ ҒАЛАБАГА** эришилди! Бу ютуқни орзиқиб кутгандик, бу учрашувда имкониятни бой беришга ҳаққимиз йўқ эди...

Футболчиларимизни, мураббийларни, барча мухлисларни бу муваффақият билан қутлаймиз!..

4-бет

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57; Faks: 152-78-04.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

# ВАТАН ҚАЕРДАН БОШЛАНАДИ?



У жуда самимий, очиқ ўтмоқда. Чин дилдан баҳс-мунозара, мулоқот бўляпти. ХДП фаоллари, депутатлар бугун маҳалла аҳлининг ҳолидан хабар олгани, байрам билан қутлагани келишган экан, бундан ниҳоятда мамнунмиз. Юқорида айтилдики, бундай байрамолди тадбирлар юртимизнинг бошқа жойларида ҳам юқори савияда ўтказилаётган экан.

Ҳаммамиз маҳаллаларда яшаймиз. Маҳаллада гап кўп. Маҳаллаларнинг ҳаёти, аҳолининг ўй-фикрлари билан яқиндан танишишда «Маҳалла» жамғармаси ЎзХДП билан ҳамкорлик қилишга ҳамиша тайёр.

Биз тадбир давомида унинг иштирокчилари билан мулоқотда бўлиб, уларнинг фикр-мулоҳазалари, истаклари билан қизикдик.

**Ҳамидулла НАСРУЛЛАЕВ, пенсионер, маҳалла фаоли:**

— Тўғрисини айтсам, маҳалламизда ҳали бугунгидай тадбир ўтган эмас. Қилса бўларкан-ку! Қаранг, қанча одам тўпланди. Депутатлар ҳам шу ерда, шоирлар, раҳбарлар ҳам шу ерда. Айтилаётган гапларнинг ҳаммаси кўнгилдаги гаплар. Агар улар амалга ошса, бугунгидай тадбирлар тез-тез ўтказиб турилса, муаммолар бамаслаҳат аста-секинлик билан ўз ечимини топади.

**Наима ОРИПОВА, маҳалла фаоли:**

— Бугун катта мажлис, анжуман ўтказилмоқда. Фақат бир-икки киши эмас, кўпчилик гапиряпти. Гапирганда ҳам бўладиган гапни, дардларимизни, хоҳиш-истакларимизни айтишмоқда. Учрашувда иштирок этаётганларнинг деярли тенг ярми хотин-қизлар. Уларнинг ҳаммаси хурсанд. Тилимиз учида турган гаплар, муаммолар айтилгани учун яйраб ўтирибмиз. Истакларимиз тезроқ амалга ошсин!

(Давоми. Боши 1-бетда)

**Тўражон ЁҚУБОВ, маҳалла оқсоқолининг маслаҳатчиси:**

— Маҳалламизда 10800 киши истиқомат қилади. Биз кам таъминланган оилаларга имконимиз кўтарганча моливий ва маънавий ёрдам бериб келяпмиз. Ногиронлар, касал бўлганларнинг ҳолидан ҳамиша хабар оламиз. Ёшларнинг спорт билан шуғулланиши, ўқиши, юриш-туриши доим диққат-эътиборимизда. Бизнинг мақсад ва вазифаларимиз Халқ демократик партиясиники билан муштарак экан. Шунинг учун биз бу партияни ҳар доим қўллаб-



қувватлаймиз. Бугунги тадбир ташкилотчиларига раҳмат. Улар кўпчиликнинг дуосини олишди.

**Ҳамидулла СОЛИҲОВ, 25 ёшда:**

— Ёшларни ўйлантираётган муаммолар кўп. Уларни депутатларнинг оғзидан эшитсанг ва яна депутатлар муаммолар ечими учун ҳаракат қилишаётганини кўрсанг, бошинг осмонга етаркан, хурсанд бўларкансан. Мен бугун бу ерда эшитганларимни учрашувга келолмаган тенгдошларимга сўзлаб бераман. Илгари партияларга, депутатларнинг фаолиятига қизиқмас эдим. Энди ХДПга аъзо бўламан.

Фаоллик ҳамиша қадрланган. Тадбирда ЎзХДП Марказий Кенгашининг тумандаги партия фаолларига фахрий ёрлиғи ва қимматбаҳо совғалари топширилди. Уларни ЎзХДП МК раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Насимқул Каримов топширди. Учрашувда ЎзХДП фракцияси аъзолари, депутатлар — Нўъмонжон Аҳмаджонов, Рашид Ҳайитов, Жалғаш Маматмўминов, Алия Юнусова ва Алиқул Ўринбоев иштирок этишди. Шунингдек, тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, «Адолат» социал-демократик партияси сиёсий Кенгаши биринчи котиби Дилором Тошмуҳамедова ҳам иштирок этди ва сўзга чиқиб, ўзининг тилакларини баён қилди.

**ЎзХДП бундан кейин ҳам турли маҳаллаларда мана шундай тадбирлар ўтказишни режалаштирган. Зеро, мамлакатимиз раҳбари «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» шиорини жамиятимизни ривожлантиришдаги энг устувор йўналишлардан бири сифатида илгари сурди. Бу улкан ва масъулиятли вазифани амалга ошириш маҳаллий ҳокимият билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораларининг ҳамжиҳатлигига, ўзаро якдиллигига, аҳоли манфаатларини чинакамига ҳимоя қилишига ҳам боғлиқ. Бу борада сўз билан иш бирлигига эришиш, юксак мақсадлар йўлида фидойилик ва ҳалоллик билан меҳнат қилиш талаб этилади.**

**Алижон АБДУРАҲМОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

**Суратларда:** учрашувдан лавҳалар.
**Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**





**ЎзХДП янгиликлари**

**Қашқадарё вилоят кенгаши** вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси, «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлимлари билан ҳамкорликда тоғли ҳудудларда маданият кунлари ўтказди. Шундай тадбирлардан бири Шаҳрисабз туманидаги Шурхасан қишлоғида бўлиб ўтди. Унда Ҳайдар Азизов раҳбарлигидаги «Тоғ гули» фольклор-этнографик ансамбли ўз куй-қўшиқлари билан иштирок этди. Тадбир доирасида турли танловлар, мусобақалар бўлиб ўтди.

Ғолибларга эсдалик совғалари, қишлоқ ёшларига эса турли спорт анжомлари топширилди.

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

**Фарғона вилоят кенгаши** вилоят ҳокимлиги ва «Камолот» ЁИҲ вилоят бўлими ҳамкорликда «Аёл оламни тебратар» деб номланган тадбир ўтказди. Унда 7 мингдан зиёд хотин-қизлар ва ёшлар иштирок этишди. Тадбир иштирокчилари ёш авлодни тўғри тарбиялаш, билимли, ҳунарли, комил инсонлар этиб вояга етказиш борасида республика аҳолисига мурожаатнома қабул қилдилар.

**Избоскан туман кенгашида** халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия депутатлар гуруҳининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ХДПдан сайланган 13 нафар депутат иштирок этди ва ярим йиллик фаолиятлари тўғрисида ҳисобот бердилар. 13-14 май кунлари Андижонда бўлиб ўтган воқеалар юзасидан олиб борилган ишлар ва келгусидаги вазифалар ҳақида ахборотлар тингланди. Депутатлар мустақилликнинг 14 йиллиги арафасида ўзлари сайланган ҳудудларда оммавий-сиёсий тадбирлар ўтказиш бўйича иш режаларини тузиб олдилар.

**Ўзбекистон ХДП МК**
**матбуот хизмати**

**Муносабат**

# ИНСОНИЙЛИК ВА БАҒРИКЕНГЛИК ТИМСОЛИ

Инсон улуғ. Унинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш адолатли тузумнинг бош мақсади. Шу нуқтаи назардан қараганда мамлакатимизда инсонпарварлик тамойиллари тобора чуқур илдиз отаяпти. Бунга қатор мисоллар келтириш мумкин. Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг жаҳон тажрибаларига мутлақ мосу хослиги ҳам юртимизда демократик жараёнлар изчиллик билан амалга ошаётганидан далолатдир. Дунё ҳамжамияти билан ҳамқадамлик, инсон-қадр қимматини бошга тож қилиб, умумбашарий ғояларни сиёсатимиз мезони, деб белгилашнинг ўзи бизда қандай жамият мавжудлиги, ислоҳотларимиз ким учун, нима мақсадга хизмат қилишини кўрсатиб турибди. Ҳамма ёруғ йўллар эзгулик бекатида туташади ёки аксинча, барча чароғон йўллар эзгуликдан бошланади-да, минг, миллион инсонларни саодат сари бошлайди. Ислоҳотлар турли жабҳаларда, ҳар хил соҳа ёки тармоқларда содир бўлиши мумкин. Аммо, улар асосида инсон ҳаёти, манфаати, фаровонлиги ётсагина, бу саъй-ҳаракатлар жамиятнинг чин маънодаги қиёфасини белгилайди.

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармони инсоннинг яшаш ҳуқуқини эътироф этувчи ва мустаҳкамловчи халқаро ҳуқуқнинг умумэътирофга эга принциплари ва нормаларига тўлиқ мос келади. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ва жазоларни янада либераллаштириш аниқ чораларини амалга ошириш мақсадида ҳам ушбу Фармон алоҳида ажралиб туради.

Тўғри, шу пайтгача суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар жиноят, жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари, жиноий жазо тизимини изчиллик билан босқичма-босқич либераллаштиришда ўз ифодасини топган эди. Шунингдек, судловда ярашув институти жорий этилди. Иқтисодий жиноятларга доир ишларни кўришда моддий зарарни қоплаганларга нисбатан қамоқ билан боғлиқ бўлмаган жазолар белгиланди, ҳибсхонада сақланаётган кишиларни судгача ва суд жараёнида эҳтиёт чораси қўллаб гаров, кафиллик эвазига тилхат билан озодликка чиқариш сингари чоралар қўллана бошланди. Буларнинг бари суд-ҳуқуқ тизими тубдан янгиланганлигининг, моҳиятан инсоний муносабатларга шу соҳада жиддий эътибор қаратилганлигининг исботидир. Бу ишлар замирида, албатта, ўзбекона оқибат, бағрикенглик, кечиримлилик, шафқат ва ўзига хос инсоний эъзоз ётибди.

Мазкур Фармон кўпчиликнинг диққат-эътиборини тортиши табиий. Одамлар бу борада ўзаро фикрлашадилар, баҳс-мунозарага киришадилар. Ўлим жазосини бекор қилиш ҳақида ҳар ким ҳар хил фикр айтиши ҳам табиий. Чунки, ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги баҳслар ҳозирги кунда бутун дунёда кенг миқёсда муҳокама қилинмоқда. Ривожланган давлатларнинг кўпчилигида бу жазо тури бекор қилинган. Дунёнинг тараққийпарвар кишилари ўлим жазосининг жаҳолат эканлигини таъкидлашмоқда. Айниқса, инсон ҳаёти, тақдири борасида ҳеч қачон хатоликка йўл қўйиб, ҳукм чиқариб бўлмайди. Худо кўрсатмасин, суд ҳукмидаги хатони кейин ҳеч қачон тузатиб бўлмайди. Яқин тарихга назар ташлайлик. Шўро даврида қанчалаб улуғ инсонлар, миллатимизнинг буюк зотлари хатолар қурбони бўлиб, отилиб кетганини яхши биламиз. Афсус, улар ҳаётини тиклаб бўлмайди.

Истиқлолдан сўнг инсон шаъни, унинг қадр-қиммати юксакка кўтарилди. Кейинги ўн йилдан ортиқ вақт мобайнида юртимизда ўлим жазоси қўлланиши мумкин бўлган жиноятлар таркиби 33 тадан 2 тагача қисқартирилди. Ҳозирча икки турдаги жиноят — жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм жиноятларини содир этганлик учун ўлим жазоси назарда тутилган. Мазкур жиноятларни содир этган, нечоғли оғирлигидан қатъи назар, вояга етмаганлар, хотин-қизлар ва 60 ёшдан ўтган шахсларга нисбатан ушбу турдаги жазони қўллаш тақиқланади. Баъзилар ўйлаши мумкин, нега ўлим жазосини қўллашдан воз кечмай, бу мақсадга босқичма-босқич эришиш йўлини танладик?

Юртбошимиз доимо бирор масала юзасидан қарор қабул қилишда шошма-шошарликка йўл қўймасликни, унинг охир-оқибатини ўйлашни уқтириб келади. Бу ҳолат ўта синчковлик ва вазиятни тўғри англаш, оддий кишилар манфаатларини ҳисобга олиш, халқимизнинг ўзига хос менталитетини чуқур англаш, одамлар дилида кечаётган ўй ва мулоҳазалардан бохабарликни тақозо этарди. Ўлим жазосини батамом олиб ташлашда қонун ҳужжатларини пухта ишлаб чиқиш керак бўлади ва бу борадаги халқаро тажрибаларни ўрганиш лозим.

Ўзбекистон Республикасида 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб ўлим жазоси бекор қилинади. Инсонни улуғлаш, меҳр-оқибатни юксак тутиш қон-қонига сингган халқимизнинг улуғ фазилати давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигининг яна бир бор намоён бўлишидир бу!

**Қўчқор НОРҚОБИЛ**

# ЎЗБЕК МЕБЕЛИ — ХОРИЖДА



Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, мебелсозлик соҳасида ҳам қатор катта-кичик корхоналар ташкил этилди. Ўз хомашёмиздан турли хил мебеллар тайёрлаш бошланди. Уларнинг тури кўпайиб, сифати ҳам яхшиланиб бормоқда. Ҳозир ишлаб чиқарилаётган шундай мебелларимиз борки, хорижники билан ёнма-ён қўйсангиз асло ажратиб бўлмайди. Уларнинг замонавий дизайнини кўриб тўғриси, ҳам фахрланасан, ҳам ҳайратланасан: **наҳотки, булар ўзимизнинг маҳаллий корхоналаримизда тайёрланмоқда?!**

Ҳа, «Файз» холдинг компанияси тизимида хориж билан мебелсозликда бемалол беллаша оладиган жамоалар талайгина.

— Бугунги кунда ўн турдаги асосий маҳсулотимиз тўла маҳаллийлаштирилган, — **дейди компания бошқаруви раиси Мукаррамхон Азимова.** — Айниқса, юмшоқ мебеллар ишлаб чиқаришдаги изланишларимиз самарали бўлмоқда. Бундан чамаси беш йилча муқаддам тармоқда ўта зарур хомашё — поролон тайёрлаш йўлга қўйилди. Эндиликда бу сингари маҳсулотларни ташқаридан катта валюта эвазига сотиб олишга ҳожат қолмади. Шунингдек, соҳага энг зарур: формалин, капролактам, нитролак каби материаллар ҳам бир пайтлар хориждан ташиб келтирилган бўлса, айни дамларда улар ўзимиздаги саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётир. Бу миллионлаб валюта тежалмоқда, қўшимча янги иш ўринлари яратилмоқда, дегани. Мақсад — республика мебель саноатини ривожлантириш, импорт ўрнини босадиган, экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш, қолаверса, ўзбек мебели довруғини дунёга танитиш...

Ҳозир компаниямиз тасаруфида 26 та корхона бўлиб, уларнинг 22 таси бевосита тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан шуғулланмоқда. Бундан ташқари, мустақиллик йилларида Бирлашган Араб Амирликлари, Жанубий Корея, Россия, Украина ва бошқа қатор давлатлар билан ҳамкорликда 7 та қўшма корхона ташкил қилинди. Ушбу йўналишлардаги изланишлар натижаси ўлароқ, 16 миллион АҚШ доллари миқдорида хориж инвестицияси киритилди.

Компаниямиз тизимидаги корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган мебеллар қатори халқ истеъмоли моллари ҳажми ҳам 200 турдан ошди. Келгусида биз бу маҳсулотлар турини 1000 тага етказиш ниятидамиз. Яна шуни мамнуният билан айтиш лозимки, ўтган 2004 йилда тизимимиздаги корхоналарда 8 миллиард 600 миллион сўмлик мебель ҳамда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди. Жорий йилнинг етти ойи мобайнида эса бу миқдор 3 миллиард 800 миллион сўмга етди. Шунингдек, мебелларни экспортга йўналтиришдан 2004 йилда 1 миллион 529 минг АҚШ доллари миқдорида даромад кўрилган бўлса, жорий йилда бу рақамни 1 миллион 570 минг АҚШ долларига етказишни мўлжаллаганмиз.

**Соҳибжон САЛИМОВ,**
**«Ўзбекистон овози»**
**мухбири**



**Суратларда:** «Файз» холдинг компанияси мутахассислари Фарҳод Хўжабеков ва Самутжон Мадалиевлар тайёр маҳсулот сифатини кўздан кечиришмоқда; компания бошқаруви раиси Мукаррам Азимова ишчи-хизматчилар билан.

**Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган суратлар**

# «ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН»

## КЎРГАЗМА-ЯРМАРКАСИДА МАМЛАКАТИМИЗ КОРХОНАЛАРИДА ТАЙЁРЛАНГАН ЭКСПОРТБОП МАҲСУЛОТЛАР НАМОЙИШ ЭТИЛМОҚДА

**Алижон ТЕМИРОВ, тадбиркор:**

— Кеча телевизор орқали мана шу кўргазма намойиш этилаётганини кўриб жуда хурсанд бўлдим. Кўргазмада мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилган замонавий, экспортбоп маҳсулотларни кўриб, очиғи республикамиз иқтисодий салоҳияти мустаҳкамланиб бораётганига яна бир бор амин бўлдим. Ҳақиқатан ҳам бу ердаги маҳсулотларнинг ҳеч бири хорижникидан қолишмайди. Сифати, чидамлилиги ўта юқори, энг муҳими, нархлари арзон.

**Назир АБДУСАЛОМОВ, «Sino» ОАЖ Тошкент минтақавий филиали директори:**

— Бу кўргазма ишлаб чиқарувчи учун ҳам, харидор учун ҳам фойдали. Биз бу ерга корхонамизда ишлаб чиқарилган сўнгги русумдаги музлатгич ва совутгичлар, кондиционерларни олиб келдик. Немис технологияси асосида тайёрланган бу маҳсулотлар, харидорларга маъқул бўлмоқда. Ҳозиргача бир неча олди-сотди шартномаларини имзоладик. Шу ернинг ўзида Қозоғистон ва Афғонистондан хорижий шериклар топдик.

(Давоми. Боши 1-бетда)



Шуни таъкидлаш керакки, мазкур кўргазмада «Ўзинтеримпекс», «Ўзсаноатмашимпекс», «Ўзмарказимпекс», «Марказсаноатэкспорт» каби давлат акциядорлик ташқи иқтисодий компаниялар ҳам бўлиб, улар маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга хорижий ҳамкорлар топишда яқиндан ёрдам бермоқда.

— Кўргазманинг биринчи кунидан бошлаб хориждаги ҳамкорлар билан маслаҳатлашиб, уларнинг маҳсулотга бўлган талаб-эҳтиёжини ўрганиб, шу ернинг ўзида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан шартномалар тузаяпмиз, — дейди **«Ўзсаноатмашимпекс» давлат акциядорлик ташқи иқтисодий компанияси департамент директори Лазиз Хожиаҳмедов.** — Компаниямизнинг асосий вазифаси мамлакатимиздаги кичик ва хусусий бизнес субъектларини молиялаштириш, маҳсулотларини экспорт қилишда ёрдам бериш бўлиб, бунинг учун биз интернет сайтларимиз, хориждаги савдо уйларимиз орқали маҳсулотлар рекламасини уюштириб, харидорлар топамиз.



Бир сўз билан айтганда, кўргазмада намойиш этилаётган маҳсулотлар юртимиз ва хориж ишбилармонларида катта қизиқиш уйғотади ҳамда кенг истеъмолчилар оммасини мамлакатимиз ишлаб чиақарувчиларининг маҳсулотлари билан таништиришда, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари маҳсулотларини ташқи бозорга йўналтиришда муҳим восита ҳисобланади.

**Зайниддин МАМАДАЛИЕВ**

**Суратларда:** кўргазмадан лавҳалар.
**Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**

# СОҒЛИГИМИЗ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Турли юқумли ичак касалликларидан эҳтиёт бўлайлик!

Ёзнинг одатдагидан иссиқ келиши ва ҳароратнинг муттасил юқори бўлиб тургани сайёрамизда айрим ўткир юқумли касалликларнинг тарқалишига сабаб бўлмоқда. Бундай хасталиклар сирасига «парранда гриппи», вабо, оқсил, ўткир ичак касалликлари киради. Хорижий оммавий ахборот воситалари тарқатаётган хабарларга қараганда, бундай юқумли касалликларнинг айримлари баъзи Осиё давлатлари ва бошқа мамлакатларда қайд этилган. Бу барчамизни янада ҳушёрроқ бўлишга ундайди.

Шу боис мамлакатимизда профилактика ишлари кўлами ҳар қачонгидан ҳам кенгайтирилди. Жойлардаги санитария-эпидемиологик вазият тегишли муассасалар томонидан қатъий назорат остига олинган. Жумладан, очиқ сув ҳавзалари, дарёлар, анҳорлар, кўллар суви мутахассислар томонидан мунтазам текширилмоқда. Бозорлар, савдо тармоқлари, умумий овқатланиш шохобчаларидаги тозалик-озодалик, божхона масканларидаги карантин-текшириш ишлари назорати кучайтирилди.

Аммо, инфекциянинг олдини олиш, аввало, ўзимизга боғлиқ эканлигини унутмаслигимиз керак. Бу эса ҳар биримиздан санитария ва гигиена қоидаларига қатъий амал қилишни талаб этади. Рухсат этилмаган сув ҳавзаларида, анҳор ва кўлларда чўмилишга, бундай сувлардан ичишга қатъий чек қўймоқ керак. Айниқса, фарзандларимизга буни чуқурроқ тушунтиришимиз лозим. Мамлакатимизда юқорида эслатилган бирон-бир юқумли касаллик қайд этилгани йўқ. Аммо, беparво бўлмаслигимиз даркор. Зотан, соғлигимиз, аввало, ўз қўлимизда эканини сира унутмайлик.

**(ЎзА)**

**Банк, солиқ ва ислоҳот**

**Президентимиз Ислом Каримов сўнгги ойларда имзо чеккан қатор Фармон ва қарорлар орасида «Банклардаги депозит ҳисобварақлардан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида» (2005 йил, 5 августда)ги қарори, таъбир жоиз бўлса, аҳолининг ижтимоий ҳимоясига қаратилганлиги билан алоҳида аҳамиятга эга.**

# ҚАРОР ВА УНИНГ МОҲИЯТИ

Мамлакатимиз истиқлолга эришиб, бозор иқтисодиётига ўтишимиз биланоқ барча тижорат банклари ва уларнинг филиаллари аҳолининг ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг маблағларини депозитларга жалб этишга шундай киришиб кетдиларки, уларнинг замирида айрим банклар (филиаллари ҳам) кўпроқ ўз манфаатларини ўйлаб иш тута бошлашди. Бу ҳол мазкур қарорнинг бошида шундай ифодаланган:

**«Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари аҳоли ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг маблағларини депозитларга жалб этиб, уларни айланмага қўйиб ва шу ҳисобдан банк даромад олиб, амалда омонатчилар ҳисобига манфаат кўриб, айни вақтда ўзларининг омонатчилар олдидаги тўғридан-тўғри мажбуриятларини аниқ бажармасдан, уларнинг қонуний талаблари ва эҳтиёжларига бефарқ қараётганликлари, бунинг устига омонатчиларнинг буюртмаларини қондириш чоғида ўз мавқеини суиистеъмол қилиб, уларнинг манфаатларини писанд қилмасликлари мутлақо йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолатлар деб ҳисоблансин».**

Табиийки, тижорат банклари ва уларнинг филиалларидаги бундай муносабат одамларда банкларга бўлган ишончни бир қадар сусайтиради, натижада, банк билан мижоз ўртасига «совуқ»лик тушади, омонатчиларда асосли норозилик пайдо бўлади. Аҳоли, тадбиркор, бизнесмен ва хўжалик юритувчи субъектлар бўш пул маблағларини тижорат банкларидаги депозитларга қўйишдан зада бўлиб, банкларни четлаб ўтишга ҳаракат қилади.

Тўғри-да, омонатчи қўйган депозитига яраша рағбат олмагандан сўнг нима қилсин? Қолаверса, бу ҳол нақд пулнинг банкдан ташқари айланмаси қисқаришига ёрдам берармиди? Асло. Пировардида, айланиб келиб, иқтисодий зиён мамлакат зиммасига тушади.

Айни шу нуқтаи назардан ҳам — қарорда нақд пул муомаласини мустаҳкамлашга, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартиришга, хўжалик юритувчи субъектларнинг банклардаги депозит ҳисобварақларидан нақд пулларини (банклар томонидан) узлуксиз бериб боришга жуда катта эътибор қаратилди-ки, бу, шубҳасиз, эндиликда республикамиз ҳудудида нақд пул маблағларини тезкор қайта тақсимлашга хизмат қилади. Масалан, нақд пул маблағлари беришни мунтазам кечиктирган тижорат банклари Марказий банк томонидан қаттиқ жавобгарликка тортилади, ҳатто улардан банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия олиб қўйилади.

Бундан буён энди тижорат банклари ўз бўлинмаларида нақд пул маблағларига бўлган талаб тезкорлик билан тўлдирилишини ва мижозларнинг буюртмалари қондирилишини таъминлайдиган нақд пул заҳирасини ҳам яратадилар. Марказий банк ҳам ўз навбатида нақд пулларнинг ҳудудий заҳиралари жамғармаларини ташкил этади.

Шу кунларда мен хизмат вазифамга кўра, жойларда бўлиб, мазкур мавзуда семинарлар ўтаётганига гувоҳман. «Савдогарбанк», «Миллий банк», «Халқ банки» сингари барча тижорат банклари тизимида фаолият кўрсатаётганларнинг қай бири билан гаплашманг, мазкур қарор биринчи даражали тўловлар деб эътироф этилган: нафақа, пенсия, бюджет ташкилотларининг ойлик маошлари вақтида берилишини ва омонатчилар депозитга қўйган ўз маблағларини кечикмай олишини таъминлашини таъкидлашаяпти. Тижорат банклари ва уларнинг филиалларида мониторинглар ўтказилаяпти. Мижозларга нақд пулларни вақтида ўтказиб бериш, уларнинг мурожаатларини эшитиш ва муаммоларини тезда ҳал қилиш учун банк бошқармаларида махсус гуруҳлар тузилмоқда, ишонч телефонлари ўрнатилмоқда. Кези келганда, банк ходимлари биз Солиқ хизмати органлари мутахассислари билан ҳамкорлик қилишаяпти. Бир сўз билан айтганда, давлатимиз раҳбарининг қарори ижросига нафақат тижорат банклари тизимларидаги жамоалар, балки солиқ назорати ва бошқа мутасадди идоралар ҳам қатъий киришдилар.

Чунки, сабабини боя айтдим, қарордан кўзланган мақсад — аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш, омонатчиларни рағбатлантириш ва ниҳоят банкларда нақд пул тушумини кўпайтириб, банкдан ташқари айланмани чеклаш...

Яна шуниси муҳимки, қарорда биз солиқчилар олдига ҳам жуда қатъий талаб ва вазифалар қўйилган. Жумладан, **«Банкдан ташқари айланмани чеклаш бўйича,** — дейилади унда, — **қабул қилинган қарорларнинг амалга оширилиши, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан товарлар сотиш, иш ва хизмат кўрсатишда тушадиган нақд пул тушумларини банк кассаларига тўлиқ топширилиши устидан назоратни кучайтирсин;**

**банк кассаларига топширилган нақд-савдо тушуми билан чакана товар обороти ва пулли хизматларни амалдаги ҳажмлари ўртасида мутаносиблик бўлиши, шунингдек чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари назорат-касса машиналари ва ҳисоб-китоб терминалларидан мажбурий фойдаланиш устидан қаттиқ назорат ўрнатсин. Пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда тўловни қабул қилишдан ҳуқуққа зид тарзда бош тортиш фактлари аниқланган ҳолларда айбдор шахсларга нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарлик чораси кўрилсин».**

Бу кўрсатмалар республика Адлия вазирлиги, Марказий банки ва бошқа манфаатдор вазирликлар ҳамда идоралар қатори солиқ хизмати органлари жамоалари олдига ҳам шу йилнинг сентябрь ойига қадар амалдаги меъёрий ҳужжатларга тегишли ўзгартишлар киритиш, фикрлар, хулосалар, мулоҳазалар билдириш, таклифлар қилиш жараёнларида фаол иштирок этиш вазифасини қўяди.

Юртбошимиз нега айнан бугунги кунга келиб, мазкур қарорни қабул қилишни лозим топди? Чунки, сир эмас, кейинги пайтларда тижорат банкларида нақд пул танқислиги юзага келди. Сабаб — банкдан ташқари айланмалар авж олиб кетди. Аҳолининг, хўжалик юритувчи субъектларнинг депозитга жалб қилинган маблағларини айрим тижорат банклари айланмага қўйиб, шу ҳисобдан даромад олиб, амалда омонатчилар эвазига манфаат кўра бошлашди. Натижада баъзи меҳнат жамоалари ойлик маошларини, пенсионерлар пенсия пулларини, нафақахўрлар нафақаларини вақтида ололмаётган ҳоллар учрай бошлади... Энди нафсиламбирини айтинг, бу ҳол одамларнинг меҳнатга бўлган муносабатини ўзгартирмайдими, ишдан кўнгли совимайдими?

Президентимиз қарор лойиҳаси тайёрланиб, унга имзо чекаётганда айни шу моҳиятни — энг биринчи галда **аҳолининг ижтимоий ҳимоясини** инобатга олганлари, шаксиз!

**Олимжон ИСАЕВ,**
**Бектемир тумани Давлат Солиқ инспекциясининг бош давлат солиқ инспектори**

# ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

## ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

### ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУДУДИЙ ТАНЛОВ КОМИССИЯСИ

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 26 августдаги 368-сонли ва 2004 йил 5 майдаги 209-сонли қарорларига мувофиқ, қуйидаги паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор корхоналарнинг давлат активларини ва паст ликвидли объектларни инвестиция мажбуриятлари эвазига инвесторларга бепул бериш бўйича***

### ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

**1. Инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул бериладиган давлат объектлари**
**Р Ў Й Х А Т И**

| № | Объект номи | Манзили | Танлов шартлари | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Бепул бериш тартиби бўйича (мулкий мажмуа сифатида, тўлиқлигича ёки уларнинг ишлаб чиқариш бинолари ва эгаллаб турган ер майдонлари таркибини ўзгартиришнинг мақбул режаси асосида) | Фаолият тури бўйича (сақлаб қолиш ёки сақламаслик) | Минимал инвестиция мажбуриятлари миқдори (млн. сўм) * | Инвестиция мажбуриятларининг бажарилиш муддати (йил) |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 |
| 1 | Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига қарашли бўлган 9 қаватли, 33-сонли ётоқхона биноси | Сирғали тумани, «Қурувчи» даҳаси | Мулкий мажмуа сифатида тўлиқлигича | Фаолият турини сақламаган ҳолда | 300,0 | 2 |
| 2 | «Саноатқурилиш-индустрия» ОАЖ балансидаги қурилиши тугалланмаган «Монолит уй-жой қурилиш базаси» | Сирғали тумани, Жанубий саноат ҳудуди (КПД-5 ёнида) | Мулкий мажмуа сифатида тўлиқлигича (ишлаб чиқариш корпусидаги металл колонна ва фермалардан ташқари) | Фаолият турини сақламаган ҳолда | 60,0 | 1 |

Изоҳ: * Ушбу инвестиция миқдори, инвестор томонидан ўзининг таклифидан келиб чиққан ҳолда ўзгартирилиши мумкин.

**2. Инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул бериладиган давлат активлари**
**РЎЙХАТИ**

| № | Корхона номи | Манзили | Низом жамғармасидаги давлат активи, % | | Танлов шартлари | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Жами | Шу жумладан давлат улуши | Бепул бериш тартиби бўйича (мулкий мажмуа сифатида, тўлиқлигича ёки уларнинг ишлаб чиқариш бинолари ва эгаллаб турган ер майдонлари таркибини ўзгартиришнинг мақбул режаси асосида) | Фаолият тури бўйича (сақлаб қолиш ёки сақламаслик шарти билан)* | Минимал инвестиция мажбуриятлари ҳажми (млн. сўм) ** | Инвестиция мажбуриятларининг бажарилиш муддати (йил) |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 |
| 1 | «FAZO VIDEO» МЧЖ (собиқ «Ўзбекистон Республикаси видеомаркази» ОАЖ) | Чилонзор тумани, Чилонзор кўчаси, 2«А»-уй | 93,19 | 93,19 | Давлат активларини сотиш | Фаолият турини сақлаб қолиш | 5 | 0,5 (6 ой) |

Изоҳ: * фаолият турини ўзгартириш масаласи жамият акциядорлари (таъсисчилари) қарорига кўра қабул қилинади.
** ушбу инвестиция миқдори инвестор томонидан ўзининг таклифидан келиб чиққан ҳолда ўзгартирилиши мумкин.

**Танлов савдолари санаси: 2005 йил 30 август, 18 октябрь, 1,15 ва 29 ноябрь ҳамда 13 ва 27 декабрь кунлари.**

*Танлов савдолари соат 11.00 да Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси биноси — Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16А-уй манзилида бўлиб ўтади.*

**ТАНЛОВ САВДОСИДА ИШТИРОК ЭТИШ ШАРТЛАРИ:**

*Танловда қатнашишни хоҳлаган барча талабгорлардан қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши талаб қилинади:*

*1. Талабгорнинг тўлов қобилиятига эгалигини тасдиқловчи банк маълумотномаси (ёки банкнинг кафолат хати).*

*2. Тақдим этилган молиявий ҳисоботи бўйича аудиторлик фирмасининг хулосаси.*

*3. Бизнес режа (тасдиқланган намунавий шаклда тайёрланган бўлиши шарт).*

*Ушбу ҳужжатлар ва инвестициявий таклифлар танлов савдоси бўлиб ўтадиган вақтдан* **уч кун** *аввал муҳрланган конвертда, белгиланган шаклдаги ариза билан биргаликда Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармасига топширилиши лозим.*

*Танлов савдоларида барча нодавлат юридик ва жисмоний шахслар ҳамда Ўзбекистон Республикаси норезидентлари (чет эл инвесторлари) қатнашишлари мумкин.*

*Танлов савдосида қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари бўйича батафсил маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат этишингиз мумкин.*

*Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16А-уй.*

***Маълумот учун телефонлар:***
***133-39-57, 133-22-98.***

## МАЖБУРИЙ КЎЧИРИШ БОШЛАНДИ



Ғазо минтақасидаги яҳудийларга турар-жойларидан ўз ҳохиши билан кўчиш учун ажратилган вақт тугади. Исроилнинг ўн минглаб ҳарбийлари Ғазо минтақасида қўним топган ва чиқиб кетишга қарши бўлган яҳудийларни мажбуран кўчира бошлашди.

Ҳарбий ва полиция кучлари Ғазонинг энг катта аҳоли турар-жойи ҳисобланган Неве-Декалимга кечаси кириб келишди. Бундан бир кун олдин кўчишга қарши бўлган Исроил фуқаролари намойиш ўтказишди. Улар кўчиришда иштирок этаётган ҳарбийларни «миллатчи»ликда айблашди.

Мамлакат бош вазири ўринбосари Шимон Пereснинг сўзларига қараганда, Исроил ҳукумати мухолифатнинг жиддий қаршилигига қарамасдан осон бўлмаган қарорларни қабул қилиб, уни амалга ошира олишини яна бир бор исботлади.

Бу орада эса Фаластинда фаолият юритаётган гуруҳлар Ғазо минтақаси устидан амалга ошириладиган назорат ваколатларини бериш комиссиясига аъзо бўлишди. Комиссия Фаластин мухторияти етакчиси Маҳмуд Аббос томонидан тузилди. Унинг таркибида ФАТХ, ХАМАС ва «Ислом жиҳоди» гуруҳлари вакиллари бор.

# XORIJDA

## ҲУКУМАТ ТАСДИҚЛАНДИ



Болгария парламенти Социалистлар партияси етакчиси Сергей Станишев раҳбарлигидаги сул марказчилар ҳукумати таркибини тасдиқлади. Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби турмуш даражасини ошириш ва Болгариянинг 2007 йилда Европа Иттифоқига кириши учун ислоҳотларни амалга оширишни ваъда қилмоқда.

Болгариянинг уч йирик партияси иштирокида коалициянинг тузилиши икки ой давом этган сиёсий тушунмовчиликларга нуқта қўйди. Коалиция Станишев бошчилигидаги Социалистлар партияси, собиқ қирол Симеон Сакс-Кобургскийнинг Марказчилар партияси ва асосан этник турклардан иборат бўлган Ҳуқуқ ва эркинликлар учун ҳаракати вакилларидан ташкил топди. Улар парламентдаги 240 ўриндан 169 тасини эгаллайди.

## ДВИГАТЕЛЛАР ПАНД БЕРМАГАНИДА...



Венесуэла ғарбида West Caribbean Airways авиакомпаниясига тегишли бўлган самолёт ҳалокатга учради. 160 йўловчининг барчаси ҳалок бўлди. Авикомпания берган маълумотга кўра, 152 йўловчи Мартиника оролидан бўлган. Саккиз нафар экипаж аъзоси эса Колумбиядан эканлиги аниқланди. MD-82 русумидаги самолёт Панамадан Мартиникага парвоз этаётган эди.

Самолёт ҳалокатга учрашидан олдин унинг учувчиси Каракас аэропорти билан боғланиб, двигателларнинг бири панд бераётганини айтган. У Маракайбо аэропортига фавқулодда қўниш учун рухсат сўраган. Орадан бир неча дақиқа ўтгач, учувчи иккинчи двигатель хам ишламай қолганини маълум қилди. Кейин самолёт билан алоқа йўқолиб ҳалокат рўй берди.

## МУТАХАССИСЛАР ЕТИШМАЯПТИ

Австралия яқин келажакда 20 мингга яқин юқори тажрибали хорижий мутахассисларни қабул қилишини билдирди. Бу 1960 йиллардан буён чет эллардан мутахассисларни йиғиш бўйича ўтказилаётган энг йирик тадбирлардан ҳисобланади.

Австралия ҳисобчи, шифокор, автомеханик, автомобиль электриги каби касб эгаларига эҳтиёж сезмоқда.

Лондон, Берлин, Амстердам каби шаҳарларда керакли касб эгаларини жалб этиш учун меҳнат ярамаркалари ўтказилади.

— Аввал биз меҳнат ярмаркаларини юқорида айтиб ўтилган шаҳарларда ўтказамиз. Кейин эса бу тадбирлар натижасига қараб дунёнинг бошқа мамлакатларида ҳам шунга ўхшаш тадбир ўтказиш ниятимиз бор, — деди иммиграция хизмати вакили Абдул Ризви.

Австариялини кўпинча унинг талабчан иммиграция сиёсати учун танқид остига олишади. Аммо айни пайтда мамлакатда ишчи кучи етишмаётганлиги сезилмоқда. Бу эса Австралиянинг келажакдаги иқтисодий ўсишига панд бериши мумкин.

*Тошкент шаҳар Сирғали туман ҳокимлиги томонидан «RAVSHANBEK NUR-SERVIS» хусусий корхонаси номига 2004 йил 15 сентябрда берилган №000294-06 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли*
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

## Барча турдаги қурилиш ташкилотлари диққатига! Жиззах вилоят ҳокимлиги Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси қуйидаги объектлар бўйича танлов савдоси ўтказилишини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

***2006 йилда Жиззах вилоятида янги қуриладиган ва капитал таъмирланадиган мактаблар***

| № | Объект номи | Бошланғич қурилиш қиймати (млн. сўм) |
|---|---|---|
| | Капитал таъмирлаш | |
| | ЛОТ 2: | |
| ЛОТ 2-1 | Бахмал тумани, Ўсмат шаҳарчасидаги 1040 ўринли 1-сонли мактаб | 115,529 |
| ЛОТ 2-2 | Бахмал тумани, Қўшчинор қишлоғидаги 624 ўринли 45-сонли мактаб | 92,823 |
| ЛОТ 2-3 | Дўстлик тумани, Дўстлик шаҳарчасидаги 740 ўринли 2-сонли мактаб | 121,855 |
| ЛОТ 2-4 | Дўстлик тумани, Наврўз хўжалигидаги 320 ўринли 10-сонли мактаб | 57,592 |
| ЛОТ 2-5 | Жиззах шаҳридаги 760 ўринли 1-сонли мактаб | 91,139 |
| ЛОТ 2-6 | Фориш тумани, Ўртабулоқ қишлоғидаги 120 ўринли 23-сонли мактаб | 31,673 |
| | ЛОТ 3: | |
| ЛОТ 3-1 | Бахмал тумани, Барлос қишлоғидаги 834 ўринли 32-сонли мактаб | 116,315 |
| ЛОТ 3-2 | Фориш тумани, Еримбетов номли АХМдаги 320 ўринли 50-сонли мактаб | 66,068 |
| ЛОТ 3-3 | Фориш тумани, Эгизбулоқ қишлоғидаги 464 ўринли 15-сонли мактаб | 99,745 |
| ЛОТ 3-4 | Фориш тумани, Арнасой АХМдаги 320 ўринли 58-сонли мактаб | 108,681 |
| ЛОТ 3-5 | Фориш тумани, Осмонсой қишлоғидаги 320 ўринли 30-сонли мактаб | 190,249 |
| ЛОТ 3-6 | Жиззах шаҳридаги 1176 ўринли 3-сонли мактаб | 160,420 |
| | Янги қурилиш | |
| | ЛОТ 4 | |
| ЛОТ 4 | Зомин тумани, Чапарашли қишлоғидаги 216 ўринли 22-сонли мактаб | 572,931 |

***Қурилиш ишларини тугаллаш муддати — 1.08.2006 йилгача***
***Буюртмачи манзили: Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 100-уй.***
***Телефон: (8372) 222-31-59, 222-30-11.***

*Қурилиш ишларини молиялаштириш – Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компаниясига ажратилган бюджетдан ташқари мактаб таълими жамғармаси ҳисобидан амалга оширилади.*

*Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.*

*Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин:*

***Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 426-хона. Тел/факс: 226-14-66.***

*Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 50 000 (эллик минг) сўм.*

*Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.*

*Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.*

**Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 (ўттиз) кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.**

Футбол

# ЎЗБЕКИСТОН – ҚУВАЙТ 3:2



Футбол бўйича жаҳон чемпионати саралаш баҳсларида қатнашаётган Осиё минтақаси жамоалари кеча ўз гуруҳларида сўнгги учрашувни ўтказдилар. Ўзбекистон — Қувайт ўйини барчанинг диққат-эътиборида бўлди, десак хато қилмаймиз. Чунки, икки жамоанинг тақдири сўнгги ўйинга боғлиқ бўлиб қолганди. Биз учун ғалаба сув билан ҳаводек зарур бўлса, қувайтлик футболчилар учун эса дуранг ҳам байрам қилса бўладиган натижа эди. Шу жиҳатдан кеча Тошкентда бўлиб ўтган ўйинга қизиқиш катта бўлди. Миллионлаб футбол ишқибозлари умид ва хавотир билан кутган учрашув барча тахмин ҳамда башоратларга нуқта қўйди.

Орзиқиб кутилган Ўзбекистон — Қувайт ўйинини 40 мингдан ошиқ мухлис стадионда ўтириб кузатган бўлса, миллионлаб ватандошларимиз телевизор орқали томоша қилдилар. Учрашув кутилгандек, ўзбекистонлик футболчиларнинг ҳужуми билан бошланди. Гейнрих ва Шацких рақиб дарвозаси олдида хавфли вазиятларни юзага келтиришди. Бироқ уларнинг зарбалари ноаниқ бўлди. Қувайтликлар эса қарши ҳужумларнинг иккитасидан унумли фойдаланишди — 0:2. Кўп ўтмай қувайтлик ҳимоячилар ўз жарима майдонларида Гейнрихни чалиб йиқитишди ва 11 метрли жарима тўпини Жепаров аниқ дарвозага йўллади. Ҳисоб 1:2. Иккинчи бўлимда майдонга туширилган А.Солиев ва М.Бикмаевлар туфайли ўзбекистонликлар ҳужуми шиддатли тус олди. Дастлаб Шацких ҳисобни тенглаштирган бўлса, А. Солиев ғалаба тўпини киритди. Ўзбекистон — Қувайт 3:2.

Учрашув якунлангач, иккала терма жамоа бош мураббийлари ва журналистлар иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

**Роберт Хоугтон, Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийи:** — Учрашувнинг иккинчи қисмида Солиев ва Бикмаевнинг майдонга туширилиши ўйинда ўзгариш ясади ва биз ғалаба қилдик. Баҳрайн билан бўладиган ўйин ҳусусида эса ҳозирча ҳеч нарса дея олмайман. Ўйлаб иш тутиш учун вақт бор.

**Михай Стойкицэ, Қувайт терма жамоаси бош мураббийи:** — Ўзбекистонлик футболчилар ўйиннинг биринчи қисмида бир-бирини яхши тушунишмади. Очиғини айтсам, биз учрашувнинг иккинчи бўлимида ёмон ўйнамадик. Ҳакамнинг бизнинг дарвоза томон белгилаган 11 метрли жарима тўпи ўйин тақдирини ҳал қилди. Баъзида эса шогирдларим имкониятларни бой бердилар. Ўзбекистонликлар яхши ўйин намойиш этишди. Қосимов, Шацких ва Бикмаевларнинг ҳаракати менга ёқди. Майдон эгалари учрашувнинг иккинчи бўлимида тўла устунликка эришиб ғалаба қилди. Қолваерса, ишқибозларнинг қўллаб-қувватлаши ҳам ўзбекистонлик футболчиларга мадад бўлди.

Сешанба куни «Бунёдкор» ёшлар телеклубида бўлиб ўтган матбуот анжуманида терма жамоамиз бош мураббийи Қувайт билан бўладиган учрашувга тайёргарлик хусусида гапириб жумладан, шундай деганди:

— Иш бошлаганимга уч ҳафта бўлди. Қандай имкон бўлса барчасини қилдик. Қувайтликларнинг ўйин тактикасини яхши ўргандим ва ишонаманки, биз ғалаба қиламиз...

Ҳақиқатдан ҳам терма жамоамизнинг янги бош мураббийи айтганлари амалда ўз тасдиғини топди. Ўзбекистонлик футболчилар муҳим ғалабага эришдилар.

Ниҳоят, футболчиларимиз миллионлаб ишқибозларнинг ишончини оқлашди. Интиқлик билан кутилган ғалаба! Рақиблар устидан қозонилган муваффақият ҳамюртларимизга гуруҳдаги учинчи ўринни ва 3-7 сентябрь кунлари Баҳрайн терма жамоаси билан бўладиган плейофф баҳсини давом эттириш ҳуқуқини ҳадя этди. Ушбу ўйинда ҳам вакилларимиз зафар қучгудек бўлса, 12 ва 16 ноябрь кунлари КОНКАКАФ минтақасининг тўртинчи жамоаси билан куч синашишига тўғри келади. Бу учрашувларда ҳам омадимиз келиб қолса уёғи жаҳон чемпионати деяверинг. Терма жамоамиз аъзоларига омад тилаймиз.

**Равшан ШОДИЕВ**

Никоҳ — муқаддас ришта

**Шарқда оила қадим-қадимдан муқаддас қўрғон ҳисобланиб келинган. Бу қўрғонда — бобо-буви, ота-она, ўғил-қиз, келин-куёв, невара-эваралар ўзаро ҳурмат, тинч-тотув ва ҳамжиҳат яшашга интиладилар. Зеро, ўзбек оиласи ўзига хослиги билан бошқа халқларда ҳамиша ҳам ҳайрат, ҳам ҳурмат ҳиссини уйғотиши бежиз эмас.**

**Шу билан бирга, ҳукуматимиз томонидан бугунги ўзбек оиласининг мустаҳкамлиги, тотувлигини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексида уларнинг ҳуқуқий кафолатлари белгилаб қўйилган.**

**Тошкент шаҳар Сирғали тумани ФҲДЁ — фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзуви бўлими мудираси Арофат РУСТАМОВА билан суҳбатимиз никоҳ, оила муносабатлари хусусида бўлди:**

# ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИ МАЪНАВИЙ ДУНЁҚАРАШЛАР ТЕНГЛИГИГА БОҒЛИҚ

**— Кузатишлардан маълумки, оила мустаҳкамлиги эр-хотин маънавий дунёқарашининг тенглигига боғлиқ. Шундай эмасми?**

— Ўзаро ҳурмат, бир-бирини тушуниш оила тотувлиги ва фарзанд тарбиясини тўғри йўналтиришга олиб келади. Никоҳ — оила қуриш, ўзидан кейин зурриёд қолдириш мақсадида юзага келади. Афсуски, баъзан моддий эҳтиёжларни ўйлаб турмуш қурувчилар ҳам учраб туради. Бундай оилаларда кўпинча никоҳ бузилиб кетишини кўрамиз.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасида: «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади» деб белгилаб қўйилган. Шунинг учун ҳар бир фуқаро никоҳдан ўтишдан олдин ўзига-ўзи: «Оила қуришга тайёрманми?» деган саволни бериши керак. Айниқса, оила масъулиятининг асосий қисми зиммасида бўладиган эркаклар никоҳга ҳар томонлама тайёр бўлишлари шарт.

Дарҳақиқат, ҳар бир хонадон гўё бир салтанат, унинг ўз тартиб-қоидалари бор.

Ҳудудимизда ўтган йили 1022 та янги оила қайд этилди. 138 та оила никоҳи бекор қилинди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўтган йили 15 та ёш оила орадан маълум бир вақт ўтгач, ажрашиш тўғрисидаги аризани ихтиёрий равишда қайтариб олиб, ҳозирги кунда тинч-тотув ҳаёт кечиришмоқда. Баъзан бизга ҳар икки томон ҳам қатъий талаб қўйиб, ажралиш учун мурожаат қилишади. Биз эса имкони борича оилани сақлаб қолиш мақсадида 3-6 ой муҳлат билан яна бир бор яшаб кўришларини маслаҳат берамиз. Эр-хотин дунёқарашининг мос келмаслиги, эркакнинг ишламаслиги, қайнона-келин муносабатлари, хиёнат, гиёҳвандлик, ичкиликбозлик каби иллатлар ажралишларнинг асосий сабабларидир.

**— Яқинда бир эркак хорижга иш излаб кетиб, икки, уч йилдан сўнг қайтиб келгач, аёли бошқа эркакдан фарзанд кўрганини, аммо бола унинг насабида эканлигини надомат билан гапирди...**

— Афсуски, бундай ҳодисалар ҳаётда баъзан учраб турибди. Бу туғилишни қайд қилишда ҳам муаммолар келтириб чиқаради. Аёл қонуний никоҳда бўла туриб, бошқа эркакдан фарзанд кўрса, ўз эридан ҳақиқатан ҳам шу фарзанднинг отаси эмаслигини исботловчи ариза талаб қилинади. Ўйлаб кўринг, аёл йиллар давомида эрини кўрмаса, хат-хабар йўқ бўлса, ҳатто телефонда гаплашмаса, ундан ажрашиш тўғрисидаги аризани қандай қилиб олади?

Туғуруқхона маъмурияти тартиб-қоидаларига кўра, туғилганлик ҳақида қайд қилинган гувоҳнома олинмагунча она ва бола шифохонадан чиқарилмайди. Биз эса қонуний эрнинг аризаси йўқлиги учун туғилишни қайд қилиш имконияти бўлмаганлиги тўғрисида хат беришимиз мумкин, холос. Бу ҳолат ўз навбатида бошқа муаммоларни ҳам келтириб чиқаради. Бунга никоҳдаги эр-хотин ҳам, кейинги «эр» ҳам баб-баравар айбдор.

Ҳудудимизда яшовчи фуқаролардан бирининг оиласида худди шундай ҳодиса юз берди. Эри икки, уч йилга тижорат учун хорижга кетгач, хотини бошқа бир инсон билан яшаб, ундан фарзанд кўрди. Қонунга асосан болага никоҳда турган инсоннинг насаби берилди. Бизга тақдим этилган ҳужжатлар асосида отаси йўқлигида фарзанд туғилди, деган ҳолат қайд этилди. Бу фуқаро қайтиб келгач, фарзанд уники эмаслигини исботлаши учун қанчадан-қанча муаммога дуч келди. Агар аёл ақл билан иш тутиб, тўққиз ой ҳомиладорлик даврида қонуний эридан ажрашиш тўғрисидаги аризани вақтида олганда эди, оворагарчиликка ҳожат қолмасди.

**— Никоҳга киришишдан олдин, йигит-қизларни тиббий кўрикдан ўтказиш масаласига ҳам тўхталсангиз...**

— Илгарилари туғиш ёшидагилар тиббий кўрикдан ўтишган бўлса, ҳозир барча никоҳга кирувчилар бундай текширувдан ўтиши шарт. Туманимизда ҳар бир никоҳга кирувчи фуқаронинг саломатлигини аниқлаш учун мукаммал тиббий текширув ўтказилади. Уларнинг бешта касаллик бўйича рўйхатда туриш-турмаслигини белгилаган ҳолда бизга маълумотнома шакли бўйича жавоб варақаси берилади. Никоҳга кирувчилар руҳий, гиёҳвандлик, сил, ОИТС, захм касалликлари бўйича тиббий кўрикдан ўтадилар. Афсуски, туманимизда андролог мутахассис йўқлиги туфайли бепуштлик касаллигини аниқлаш имконияти бўлмаяпти.

**— Коллежда аъло баҳоларда ўқийдиган бир қизни биламан. Турмушга чиққач уй-юмушларидан ортолмай баъзан кутубхонада дарс тайёрлаш учун қолар экан. Бундан шубҳаланган қайнона шу ерда ишлайдиган фаррошдан унинг юриш-туришини суриштирибди. У эса бир-икки марта йигитлар сўраб келганини айтибди. Қайнонанинг шубҳаси ортиб, ўғлини келинга қарши қўяди, натижада ёш оилага дарз кетди.**

— Бундай аҳвол ҳам аслида носоғлом муҳит туфайли юзага келади. Менимча, қайнона фаррошнинг бир оғиз сўзи билан ёш оилани барбод қилиб, хатога йўл қўйди. Ахир қиз болани йўқлаб келувчилар бўлади-ку. Нега олдин яхшилаб суриштирмасдан келинга жабр қилишади? «Шамол бўлмаса дарахтнинг барги қимирламайди» деган мақол ҳар доим тўғри келавермайди.

Оиланинг устунларидан бири қайнона. Ўзга оила муҳитига тушган ёш келинчак шу оиладаги турмуш тарзига кўникиб кетишида қайнонанинг роли катта. Ёш келинчакка янги рўзғор ва турмушнинг баланд-пастини биринчи навбатда қайнона ўргатади. Баъзи қайноналар ҳали турмуш машаққатларини кўрмаган келинга катта масъулият юклайдилар. Бу эса қайнона-келин муносабатлари ёмонлашишига олиб келади.

Шуни таъкидлашни истардимки, янги оиланинг пойдевори мустаҳкам ва маънан соғлом бўлиши учун ёшларга оила қуришнинг сир-асрорини мактабдан бошлаб ўргатиш лозим. Агар оила қуришдан аввал ёшларда тиббий биологик жараён тўла шаклланган ва улар маълум бир касб-малакага эга бўлсалар, бундай оила бахтли ҳаёт кечиришига шубҳа йўқ.

**Суҳбатдош: Робия ХУДОЙБЕРДИЕВА**

Луқма

# «ҲАЗОРАСП» ҚАНДАЙ ЁЗИЛАДИ?




Лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбоси жорий этилганига ҳам анча йиллар бўлиб қолди. Бугун мактаб, академик лицей ҳамда коллежларда ўқитилаётган барча дарслик ва қўлланмалар лотин алифбосида чоп этилмоқда.

Илк ўқишни янгича алифбода бошлаган авлод эса аллақачон мактабни тугатиб, олийгоҳларда таълим олмоқда. Шу билан бирга кўчалардаги барча ёзувлар, ҳар хил эълон ва белгилар ҳам янги ўзбек алифбосига алмаштирилиб бўлинди. Бу яхши, албатта.

Аммо йўлингиз тушиб Хоразмга бориб қолсангиз, йўл ёқаларидаги баъзи кўрсаткичларда битилган сўзларни ўқиб, беихтиёр ёқа ушлайсиз. «Ҳурматли ёшуллилар ушбу хато ёзувларни кўпчиликка кўз-кўз қилиб илиб қўйишдан олдин айтайлик, бирор биринчи синф ўқувчисига ўқитиб олмабдиларда», деган ўйга борасиз.

Ёшуллиларнинг бу масъулиятсизлигини ушбу суратлардаги ёзувлар ҳам айтиб турибди. Вилоятнинг Ҳазорасп туманига ташриф буюрган киши бир томондаги ёзувни кўриб индамай кетиши мумкин, аммо иккинчи тарафда ҳам кап-катта жой номланишидаги хатони кўриб ҳайрон қолиши табиий.

Энг ачинарлиси, ушбу ҳолат бир эмас, бир неча жойда такрорланган. Умуман, Ҳазорасп атамасининг янгича алифбода қандай ёзилишини ҳамон билолмаган туман мутасаддиларига нимани дейиш мумкин?

Хўш, Ҳазорасп атамаси ва бу сўзнинг биринчи ҳарфи қандай ёзилишини биз мутахассиснинг фикри орқали ҳарқалай билиб олдик: демак, тўғри варианти **Hazorasp.** Эндиги ниятимиз, туман ёшуллилари ҳам шуни билиб олсалар...

**Саъдулла БОБО**




Муаллиф олган суратлар

# КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ



Дарҳақиқат, Тайлоқ туманининг «Қувчин» қишлоғидаги 210 ўринли мактабда шу кунгача 600 нафар ўқувчи икки сменада таҳсил оларди. Жорий йил бошида манзилли дастурга асосан ушбу мактабнинг ҳолати тўлиқ ўрганиб чиқилиб, у капитал реконструкцияга туширилди. Натижада мактаб ёнидан қўшимча 300 ўринли бино қурилиб фойдаланишга топширилди.

— Ватан остонадан бошланади деганларидек, ҳаётга қадам мактабдан бошланади. Шундай экан, келажак авлодлар вояга етадиган, таълим-тарбия оладиган барча мактаблар бугунги кун талабларига тўла жавоб бериши керак. Биз жамоамиз билан биргаликда бунёд этилаётган ҳар бир янги мактаб биносини лойиҳадагидан-да кўркам ва сифатли қуришга ҳаракат қилаяпмиз, — дейди «Баракот» қурилиш-сервис ташкилоти раҳбари Мурод Қобилов.

Умуммиллий дастурга асосан, қурилиш-таъмирлаш ишлари тугалланаётган мазкур мактаблар тез кунда замонавий жиҳозлар билан таъминланади. Бунинг учун вилоятдаги умумтаълим мактабларига 6858 дона парта, 543 дона доска, 653 жуфт ўқитувчилар стол-стули, 70 жуфт лингафон, 92 жуфт компьютер синфи, 59 та спорт зали анжомлари, 23 та фаоллар зали жиҳозлари ва 127 та физика, кимё, биология лабораториялари учун жиҳозлар ажратилди.

Бир сўз билан айтганда, эндиликда шаҳар ва қишлоқ мактаблари орасида фарқ бўлмайди. Ушбу эзгу, ҳаётий мақсаднинг дастлабки мевалари эса ҳозирданоқ кўзга ташланмоқда.

**Шуҳрат ҚАРШИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

✧✧✧

**Суратларда:** Самарқанд вилоятида қурилган янги мактаб бинолари.

**Ҳусан ТЎҒИЗОВ олган суратлар.**

(Давоми. Боши 1-бетда)

Республика акциядорлик-тижорат

«ҒАЛЛАБАНК»

хизмат турларидан фойдаланаётган жисмоний шахслар ва хўжалик субъектлари

ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банкдаги депозит ҳисоб варақлардан нақд пулдаги тўловларни узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида»ги 2005 йил 5 августдаги ПҚ-147-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2005 йил 9 августдаги 1039-сонли фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида РАТБ «Ғаллабанк» тизимида ташкил қилинган

«ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ»:

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА:

| | |
|---|---|
| Бош банк | (8-371) 136-74-30 |
| Амалиётлар бошқармаси | (8-371) 132-16-55 |
| Тошкент вилояти минтақавий филиали | (8-371) 133-41-34 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | (8-36122) 3-72-18 |

ВИЛОЯТЛАРДА:

| | |
|---|---|
| Андижон вилояти | (8-3742) 22-23-69 |
| Бухоро вилояти | (8-3652) 23-58-86 |
| Жиззах вилояти | (8-3722) 6-22-98 |
| Қашқадарё вилояти | (8-375) 221-18-65 |
| Навоий вилояти | (8-436) 224-98-01 |
| Наманган вилояти | (8-3692) 26-77-90 |
| Самарқанд вилояти | (8-3662) 22-39-83 |
| Сурхондарё вилояти | (8-37622) 7-51-67 |
| Сирдарё вилояти | (8-3672) 25-23-75 |
| Фарғона вилояти | (8-3732) 22-56-64 |
| Хоразм вилояти | (8-3622) 27-27-90 |

РАТБ «Ғаллабанк» матбуот хизмати

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ВА «KIMOSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI» ОЧИҚ АКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

*2005 йил 22,29 сентябрь ва 6 октябрь кунлари соат 11.00 да республика Кўчмас мулк биржаси биносида аукцион комиссияси иштирокида, объектнинг бошланғич баҳоси ошиши тартибида ўтказилаётган очиқ аукцион савдосига қуйидаги объектлар қўйилади:*

*1. Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Чимкент катта йўли кўчасида жойлашган «Пахта нефть базаси» унитар корхонасига қарашли 6-сонли мой алмаштириш шохобчаси,*

***Бошланғич баҳоси — 6 522 600 сўм.***

*2. Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Лисунова кўчасида жойлашган «Пахта нефть базаси» унитар корхонасига қарашли 13-сонли мой алмаштириш шохобчаси,*

***Бошланғич баҳоси — 11 819 800 сўм.***

*3. Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Ҳ.Турсунқулов кўчасида жойлашган «Пахта нефть базаси» унитар корхонасига қарашли 10-сонли мой алмаштириш шохобчаси.*

***Бошланғич баҳоси — 3 019 100 сўм.***

*Ва такроран 2005 йил 25 август ҳамда 8 сентябрь кунлари ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти балансидаги «ГАЗ-31029» русумли, давлат рақами 10 AL 734, 1995 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси қўйилади,*

***Бошланғич баҳоси — 1 550 000 сўм.***

*Аукцион савдолари бўйича харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади.*

*Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пули тўлаши шарт.*

*Закалат пули «Kimoshdi savdolari agentligi»нинг Ўзбекистон Республикаси АТИБ «Ипотекабанк»нинг Тошкент шаҳар, С.Раҳимов бўлимидаги ҳисоб рақамига: 20208000804265383001, КОД-00901, СТИР 204563716 ўтказилади.*

*Қўшимча маълумотлар учун республика Кўчмас мулк биржаси ва «Kimoshdi savdolari agentligi»га мурожаат қилишингиз мумкин.*

***Манзилимиз:** Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, Қорақамиш 2/4 даҳаси, М.Ўрозбоев кўчаси, 1«А»-уй, республика Кўчмас мулк биржаси биноси, 2-қават, 207-хона.*

***Маълумот учун телефонлар: 136-15-28, 399-80-23.***

*Гувоҳнома № 000383*

ДИҚҚАТ, ДИҚҚАТ!

*МАМЛАКАТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 14 ЙИЛЛИГИ арафасида «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарига барча турдаги реклама, эълон ва табриклар қабул қилинади.*

Реклама ва эълонларга чегирма берилади.

ШОШИЛИНГ, ФУРСАТ ОЗ ҚОЛДИ.

Телефон (Факс): 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83, 133-12-56.

«Ўзбекистон овози» газетаси жамоаси таниқли адабиётшунос олим, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, Хизмат кўрсатган фан арбоби, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси

**Матёқуб ҚЎШЖОНОВ**нинг

вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва барча яқин кишиларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Asliddin RUSTAMOV
Latif G`ULOMOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Farruh HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV
(Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Norbobo SHAKAROV
Nomoz SA`DULLAYEV
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV
(Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Ekologiya, salomatlik va odob-ahloq 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Akbar JONUZOQOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 3 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 755
6558 nushada bosildi
t — Тижорат материали
O'zA yakuni — 21.20
Topshirish vaqti — 1 2 3 4 5 6
Sotuvda erkin narxda